

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ҚИШЛОҚ ВА СУВ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИ

СИРДАРЁ ВИЛОЯТИДА
2016 ЙИЛДА БАЖАРИЛАДИГАН ИРРИГАЦИЯ ВА
МЕЛИОРАЦИЯ ТАДБИРЛАРИ ҲАМДА КОЛЛЕКТОР
ТАРМОҚЛАРИНИНГ ИШЧИ ҲОЛАТИНИ
ТАЪМИНЛАШ БЎЙИЧА

ТАВСИЯЛАР

ТОШКЕНТ – 2016 й.

Ватанамиз иқтисодиёти устунларидан бири ҳисобланган қишлоқ хўжалиги соҳасида суғориладиган ерлардан барқарор юқори ҳосил олиш мамлакат аҳолиси, шу жумладан унинг асосий қисмини ташкил этувчи қишлоқ аҳолисини юқори турмуш даражасини таъминлашда энг муҳим омиллардан саналади.

Қуруқ иқлим шароитида жойлашган Ўзбекистон шароитида, яъни табиий буғланиш юқори бўлган шароитда ер ости шўр сувларининг интенсив буғланиши тупроқда тузлар тўпланиб ерларни шўрланишига олиб келади. Ушбу ҳолатни олдини олиш учун суғориладиган майдонлардаги ер ости шўр сувларини коллектор тармоқлари орқали четга чиқариб ташлаш тақазо этилади. Бунинг учун мамлакатимизда коллектор тармоқларининг улкан инфратузилмаси яратилган. Ушбу инфратузилмани ишчи ҳолатда сақлаш ва янада ривожлантириш суғориладиган ерлар мелиоратив ҳолатини яхшилаш ва пировардида қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқаришини барқарор ривожлантиришга замин яратувчи энг муҳим омиллардан саналади.

Кейинги йилларда Президентимиз И. Каримов ташаббуслари билан ерларни мелиоратив ҳолатини яхшилашга катта эътибор қаратилмоқда. Маълумки, суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ишларининг асосини коллектор тизимларини қайта тиклаш, янгиларини қуриш ташкил қилади. Коллектор тармоқларини ишчи ҳолатда сақлаш учун давлат томонидан катта маблағлар ажратилиб, кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

2007 йил 29 октябрдаги «Ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-3932-сонли Фармони ҳамда 2008 йил 19 мартдаги “2008-2012 йиллар даврида суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш Давлат дастури тўғрисида”ги ПҚ-817-сонли қарорига асосан 2008-2012 йиллар даврида давлат бюджетидан 748,7 млрд. сўмлик мелиоратив тадбирлар амалга оширилди.

Мелиоратив тадбирларни келгусида давом эттириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 19 апрелда “2013-2017 йиллар даврида суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини янада яхшилаш ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-1958-сонли қарори эълон қилинди.

2013–2017 йиллар даври учун мўлжалланган дастурда мелиоратив тизимларни ривожлантириш ва такомиллаштириш, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашга йўналтирилган тадбирларни амалга ошириш кўзда тутилган ва ушбу тадбирларни амалга ошириш учун давлат бюджетидан қарийб 1255 млрд. сўмдан ортиқ маблағ сарфланиши белгиланган.

Давлат томонидан катта маблағлар сарфланиб тикланаётган мелиоратив объектлар, хусусан магистрал ва хўжаликлараро коллекторлар, ёпиқ горизонтал дренажлар, вертикал дренаж қудуқлари, мелиоратив насос станцияларига асраб-авайлаб муносабатда бўлиш қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида банд бўлган ҳар

бир шахсга, айниқса ердан фойдаланувчилар - фермерларга катта масъулият юклайди.

Коллектор тармоқларини ишчи ҳолатини таъминлаш суғориладиган майдонлардаги сув-туз жараёнларини оптимал бошқариш, майдонларнинг маҳсулдорлигини ва коллектор тизимларини иш қобилиятини таъминлаш ҳар бир фермернинг ўз даласи таркибидаги мелиоратив объектлар (дала остидаги ёпик горизонтал дренажлар, дала чегарасидаги очиқ коллекторлар) эксплуатациясини ўзи аъзо бўлган сувдан истеъмолчилари уюшмаси (СИУ) билан ҳамжихатликда тўғри ташкил этишига боғлиқ, коллектор тизимларини эксплуатация қилиш бошқа ҳар қандай муҳандислик иншооти каби ўзига хос ёндашув ва маълум тартиб қоидаларга амал қилишни талаб қилади.

Коллектор тизимларини ишчи ҳолатини таъминлаш учун фермерлар қуйидаги ҳолатларга йўл қўймасликлари лозим:

А. Очиқ коллектор тармоқларида:

- коллекторларни лойқага тўлиши ва сув ўтлари босишига;
- коллекторларда ўзбошимчалик билан ҳовузчалар ва турли тўсиқлар барпо қилинишига;
- коллекторларда уй ҳайвонларини суғориш ва уларнинг кечиб ўтиши учун жойлар яратилишига;
- коллектор қирғоқларнинг чўкиши ва сурилиб тушишига.

Б. Ёпик горизонтал дренаж тармоқлари бўйича:

- дренаж қувурларини лойқага тўлишига;
- дренаж усти полосасининг чўкишига;
- дренаж қудуқлари халқалари орасида тирқишлар пайдо бўлишига;
- дренаж қудуқларининг ер юзасига яқин бўлақларининг бузилишига;
- дренаж қудуқлари қопқоқларининг йўқолишига;
- дренаж қудуқларини лойқага тўлишига;
- дренаж қудуқларига ахлат ташланишига;
- дренажларнинг коллекторга чиқадиган қуюлиш иншоотларини бузилиши ёки тупроқ билан кўмилиб қолишига;
- тупроқ ўзанли суғориш тармоғи, дренажнинг ётиш трассаси устида ёки бевосита унинг яқинида бўлишига.

Коллектор тизимларида юзага келадиган носозликларни ўз вақтида аниқлаш ва бартараф қилиш учун фермер хўжаликлари коллектор тизимлари техник ҳолатини доимий кузатиб боришлари талаб қилинади, бунда асосий эътибор қуйидаги ҳолатларга қаратилиши лозим:

А. Очиқ коллекторлар бўйича:

- коллектор ўзанининг ҳолати:
 - сув оқимининг бор-йўқлиги;
 - коллекторнинг лойқага тўлганлиги, ўт босганлиги;

- ювилган жойлар мавжудлиги, қирғоқларнинг сурилиши ва кўчиши;
- коллекторлар қирғоғи бўйлаб ўтган йўллари ҳолати;
- ер ости босимли сувларининг сизиб чиқиш жойлари;
- дренажларнинг коллекторга қуйилиш иншоотларининг ҳолати;
- далалардан оқава сувлар ташланадиган жойларнинг ҳолати;
- коллекторларда тўсиқларнинг мавжудлиги;
- коллекторлардаги иншоотларнинг ҳолати.

Б. Ёпиқ горизонтал дренаж тармоқлари бўйича:

- дренаж усти полосасининг ҳолати;
- дренаж қудуқлари халқаларининг қўзғалган ва қўзғалмаганлиги, синган синмаганлиги;
- қудуқда лойқа йиғилганлиги, сув оқими ва сув тикилганлигининг мавжудлиги;
- қуйилиш ва сув кириш иншоотларининг ҳолатлари;
- дренаж усти полосаси ва атрофидаги ҳудуднинг чўккан жойлари ва уларнинг сабабларига.

Фермер хўжаликлари ўз ҳудудларидаги коллектор тармоқларини ишчи ҳолатини таъминлаш учун қуйидаги тартиб қоидаларга риоя қилишлари лозим:

- майдонларни суғориш учун ўтказиладиган ўқ ариқлар ёпиқ горизонтал дренаж тармоқлари ўқидан камида 10 метр узоқликда ўтказилиши;
- тупроқ шўрини ювиш ва яхоб суви бериш даланинг ўрта қисмидан бошланиши;
- очик коллекторлар бўйлаб ўқ ариқлар тортиш мумкин эмас ёки орадаги масофа камида 50 метр бўлиши;
- фермер хўжаликлари ҳудудида жойлашган ёпиқ горизонтал дренаж тармоқларини, кузатув қудуқларини лойқадан тозалашлари, суғориш ёки шўр ювиш вақтида уларга сув тушишини олдини олишлари;
- ёпиқ горизонтал дренаж тармоқларининг коллекторга чиқадиган жойларини очик ҳолда бўлишини, яъни сизот сувларини эркин оқиб чиқишини таъминлашлари;
- фермер даласидан коллекторларга оқава сув ташланадиган нуқталар тупроқ эрозиясига қарши мустаҳкамланиши;
- СИУ томонидан ишлаб чиқилган мелиоратив ҳолатни яхшилаш тадбирларини ўз вақтида амалга ошириш;
- СИУ томонидан ташкил этилаётган оммавий тадбирларда (коллекторларни тозалаш хашарлари) фаол қатнашиш;
- СИУ ҳудудидаги фермерлараро коллекторларни тозалаш ҳаражатларини ўз вақтида тўлаш;
- ўзбошимчалик билан коллекторларга дамба-тўсиқлар ўрнатмаслик;
- шўр ювиш ва нам тўплаш ишларини вилоят Гидрогеология-мелиоратив экспедициялари ҳамда СИУ билан келишилган меъёр ва муддатларда ўтказиш;
- суғориш учун олинган сувни тўғридан-тўғри коллекторга ташланишига йўл

қўймаслик.

Суғориш учун олинган сув фермерлар айби билан тўғридан-тўғри коллекторга ташланган ҳолларда, фермерлар жаримага тортилишлари мумкин.

Сувни коллекторга ташланиши оқибатида мелиоратив тармоқ бузилиши содир этилса, мазкур тармоқни тиклаш ҳаражатлари фермер хўжаликларидан ундирилади.

Коллектор тармоқларининг эстетик ҳолатини яхшилаш.

Ирригация ва коллектор тармоқлари ёнбағирларининг чиройли кўриниши, эстетик ҳолати жамиятдаги умумий кайфиятни яхшилашга ҳисса қўшади.

Коллектор тармоқлари эстетикасини яхшилаш ишларининг асосини коллекторлар бўйида ҳосил бўладиган тупроқ уюмларини текислаб, коллектор бўйларига турли экинлар экиб чиройли манзаралар ҳосил қилишдан иборатдир.


Коллекторларни тозалаш жараёнида юзага келадиган тупроқ уюми тепаликларини текислаш, коллектордан чиқарилган грунтни ювилиб қайта коллекторга тушиши ва қайта ифлосланишдан сақлайди.

Коллектор тармоқлари бўйлаб жойлашган заҳира ерлар мавжуд меъёрий талаблар доирасида турли мақсадлар учун ишлатилиши мумкин. Лекин у ерларни манзаралаштирилиши коллекторларда навбатдаги тозалаш ишларини олиб бориш учун ҳалақит бермайдиган даражада бўлиши лозим.

Бунинг учун коллекторлар бўйида маълум масофадан ўтадиган назорат йўллари ва муҳофаза ҳудуди учун жой қолдирилиши шарт. Ушбу муҳим элементлар чегарасидан ташқарида жойлашган барча ҳудудлар ва уларда тўпланган тупроқ уюмлари текисланиб маданийлаштирилиши лозим. Коллектордан чиқарилаётган тупроқ уюмларини текислаш ишлари коллекторларни тозалаш ишлари доирасида ҳам амалга оширилади. Бироқ коллекторларни узоқ йиллар давомида кўп марталаб тозаланиши натижасида мамлакатимизнинг айрим ҳудудларидаги коллекторлар бўйларида баланд тупроқ тепаликлари юзага келганки, улар баъзи жойларда археологик харобаларни эслатади ва экин далалари эстетик ҳолатини бузади.

Тупроқ тепаликлари йиғилган ҳудудларда уларни текислаш ва мазкур ҳудудларни маданийлаштириш ишлари олиб борилиши лозим. Бу ишларни амалга оширилишида ердан фойдаланувчилар-фермерлар фаол иштирок этишлари лозим.

Ушбу текисланган тупроқ қатламининг қалинлиги 0,5 метрдан ошмаслиги лозим.



Коллектор ва унинг ёнбошидаги элементларнинг умумий схемаси
(барча ўлчамлар метрда берилган)

Тупроқ уюмларини далалар томонга ёйиб текислаб ташланиши энг мақбул йўл саналади. **Бу ишда фермерлар жонбозлик кўрсатишлари ва уни ўз зиммаларига олишлари лозим.**

Коллектор бўйлари ўзлаштирилиб экин экиш режалаштириладиганда шундай экин турларини танлаш керакки, коллекторни навбатдаги тозалаш ўтказиладиган (коллекторнинг бир томонидан 3 йилдан сўнг, бошқа томонидан 3 йилдан сўнг, **жами 6 йилдан кейин**) давргача етиштириладиган экин тўлиқ вояга етиб улгуриши лозим.

Шўрланмаган ҳудудларда тезда етиладиган терак, тут каби даромад келтирувчи дарахтларни, шўрлиги юқори бўлган ҳудудларда жийда ва тут дарахтлари ҳамда чучукмия (*қизилмия, солодка ёки лакрица*), супурги, оқ жўхори (*қўқон жўхори, сорго*) етиштириш тавсия қилинади. Дарахтлар далани шамолнинг турли таъсирларидан сақлашдаги аҳамияти юқори бўлса чучукмия, супурги ва оқ жўхори ўсимликлари ҳам ўзига хос муҳим иқтисодий аҳамиятга эга.

Чучукмиянинг илдиз қисми кўп халқлар табобатида кенг қўлланилиб келади, у озик-овқат саноати учун ҳам қимматбаҳо хом ашёдир. Уни экиш технологияси тўлиқ ишлаб чиқилган ва одатда уруғидан ёки қаламчаларидан ундирилади. Фақат биринчи йилда суғорилади. Илдизи ривожланган сайин (6 метргача) ўзи учун керакли сувни грунт сувларидан олади. Чучукмиянинг илдизи 5 йилда тўлиқ етилади ва ундан фармацевтика (дори тайёрлаш), озик-овқат (пиво тайёрлаш), енгил саноат (турли бўёқлар тайёрлаш) соҳаларида кенг қўлланилади.

Коллектор ёнбағирларида етиштириш учун тавсия қилинадиган мазкур экинлар ерларнинг мелиоратив ҳолати, экин далаларининг микроиқлими ва энг асосийси коллектор ёнбағирларининг эстетик ҳолатини тубдан яхшилашга имкон яратади.

**2016 йилда Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш
Давлат дастури доирасида бажариладиган мелиоратив объектларни
қуриш ва реконструкция қилиш ишларининг асосий прогноз
КЎРСАТКИЧЛАРИ**

т/р	Лойиҳалар номи	Ўлчов бирлиги	2016 йил прогноз кўрсаткичи	
			қуввати	қиймати
<i>Йилдан йилга ўтувчи объектлар</i>				
1	Ховос тумани хўжаликларида коллектор ва ёпиқ-ётиқ дренаж тармоқларини қуриш, шу жумладан: очик коллектор ёпиқ-ётиқ дренаж тармоғи	км км	0,4 5,3	802,5 102,5 700,0
2	Сардоба тумани хўжаликларида коллектор ва ёпиқ-ётиқ дренаж тармоқларини қуриш очик коллектор ёпиқ-ётиқ дренаж тармоғи	км км	6,3	347,7 347,7
3	Сардоба туманида ёпиқ-горизонтал дренаж тармоқларини қуриш	км	15,4	1411,6
4	Гулистон шаҳридаги вертикал дренаж қудуқларни реконструкция қилиш ва қуриш (1-босқич)	дона	12	1151,1
5	Гулистон шаҳридаги вертикал дренаж қудуқларидан чиқадиган сувларни олиб чиқиб кетувчи тармоқларни қуриш ва реконструкция қилиш (1-босқич)	км	6,7	1000,0
6	Боёвут туманидаги "ВС-5-12" хўжаликларида коллекторини реконструкция қилиш	км	3,0	366,1
7	Вилоят туманларидаги вертикал дренаж қудуқларни реконструкция қилиш ва қуриш (20 дона)	дона	12	1117,7
8	"Дўстлик" канали бўйлаб тутиб қоluvчи коллекторларни қуриш ва реконструкция қилиш ***)	км	2,7	450,0
9	Вилоят туманларида вертикал дренаж қудуқларни реконструкция қилиш ва қуриш (22 дона)***)	дона	5	396,4
10	Сардоба тумани "К-7-8" хўжаликларидан коллекторини "Чап тармоқ" канали тагидан ўтувчи дюкерни реконструкция қилиш ***)	дона	1	450,0
11	Хавос туманидаги "УК-ПК-140" мелиоратив насос станциясини реконструкция қилиш ***)	дона	1	350,0
12	"Йўл бўйлаб" коллекторининг ПК 92+50 ва ПК 121+10 даги қувурли ўтиш жойларини реконструкция қилиш ***)	дона	1	550,0
13	Мирзаобод тумани "Боёвут" коллекторидagi "К-1" (ПК 135) мелиоратив насос станциясини реконструкция қилиш ***)	дона	1	160,0
14	Гулистон шаҳридаги "Тарихий" коллекторидa насос станциясини қуриш ***)	дона	1	270,0

т/р	Лойиҳалар номи	Ўлчов бирлиги	2016 йил прогноз кўрсаткичи	
			қуввати	қиймати
15	Гулистон ва Хондамир кўчалари билан кесишган қисми оралиғида (ПК491+87, ПК513+36) каналнинг ўнг ва чап қирғоқларидаги мавжуд очиқ коллекторларни ёпиқ-ётиқ дренаж коллекторига айлантириш (***)	км	2,15	900,0
Янгидан бошланувчи объектлар				
16	Мирзаобод тумани хўжаликларида коллектор-дренаж тармоқларини қуриш, шу жумладан: очиқ коллектор ёпиқ-ётиқ дренаж тармоғи	км	10,0	700,0
		км	8,0	800,0
17	Оқолтин тумани "Бобур" СИУ ҳудудида коллектор-дренаж тармоқларини қуриш, шу жумладан: очиқ коллектор ёпиқ-ётиқ дренаж тармоғи	км	6,0	700,0
		км	14,0	1300,0
18	Сайхунобод туманидаги "ГПК" коллектори тизимида коллектор-дренаж тармоқларини қуриш (1-босқич)	км	12,6	355,0
19	Ховос туманидаги "Етисой" коллектори тизимида коллектор-дренаж тармоқларини қуриш (1-босқич), шу жумладан: очиқ коллектор ёпиқ-ётиқ дренаж тармоғи	км	4,0	440,0
		км	10,0	850,0
20	Оқолтин туманидаги "Марказий Мирзачўл" коллекторини реконструкция қилиш (****)	км		
21	Сирдарё туманидаги "Малек" хўжаликлараро коллекторини реконструкция қилиш	км	13,0	590,0
22	Сирдарё туманидаги "ГПК-3" хўжаликлараро коллекторини реконструкция қилиш	км	15,0	1750,0
23	Боёвут тумани "Н.Махмудов" СИУ ҳудудида ёпиқ горизонтал дренаж тармоқларини қуриш	км	5,3	680,0
24	Вилоят туманларида кузатув тармоқларини қуриш	дона	300	400,0
25	Гулистон шаҳридаги "Дўстлик" канали атрофида кузатув тармоқларини қуриш	дона	50	55,0
26	Гулистон шаҳридаги вертикал дренаж кудукларни реконструкция қилиш ва қуриш (2-босқич)****)	дона	11	1000,0
жами:				19343,1
<i>шу жумладан:</i>				
коллекторларни қуриш ва реконструкция қилиш		км	73,0	5801,3
<i>шундан:</i>				
<i>магистрал коллекторлар</i>		км	0,0	0,0
<i>хўжаликлараро коллекторлар</i>		км	73,0	5801,3
ёпиқ-ётиқ дренаж тармоғини қуриш		км	60,2	6641,6

т/р	Лойиҳалар номи	Ўлчов бирлиги	2016 йил прогноз кўрсаткичи	
			қуввати	қиймати
	мелиоратив насос станцияларини қуриш	дона	3	780,0
	вертикал дренаж қудуқларни реконструкция қилиш ва қуриш	дона	40	3665,2
	гидротехник иншоотларни қуриш ва реконструкция қилиш	дона	2	1000,0
	сувларни олиб чиқувчи тармоқ қуриш	км	6,7	1000,0

**Сирдарё вилоятида 2016 йилда мелиоратив объектларни таъмирлаш-тиклаш ишлари лойиҳаларининг
Р Ў Й Х А Т И**

№	Лойиҳалар номи	Хизмат кўрсатадиган туман номи	Лойиҳанинг умумий курсаткичлари		Шу жумладан 2016 йил кўрсаткичлари								Мелиоратив ҳолати барқарорлиги таъминланадиган майдон, га
					таъмирланадиган (тозаланадиган) ва тикланадиган								
					лоийҳанинг дастлабки лимити, (млн.сўм)	коллектор-дренаж тармоқлари узунлиги, км			Ўпик-ётиқ дренаж тармоқлар узунлиги (км)	иншоотлар сони, дона			
						жами	туманлараро	хўжаликлараро		кувурли ўтиш жойлари	мелиоратив насос станциялар (агрегат)	Вертикал дренаж кудулари	
	Йилдан йилга ўтувчи лойиҳалар												
1	Вилоят туманларида ёпик горизонтал дренажларни тизимли таъмирлаш ва тиклаш	Вилоят бўйича	1188,8	300	756,0				200				520
2	"ЦК-5 ва ВС-13" коллектори системасини таъмирлаш-тиклаш	Мирзаобод	1343,7	66,82	238,8	15,4		15,4		16			105
3	Вилоят туманларидаги Мелиоратив тик кудукларни таъмирлаш ва тиклаш		978,0	64	172,9							8	
4	Гулистон шаҳридаги "ВС-2" коллекторлар тизимини таъмирлаш-тиклаш	Гулистон ш	499,9	16,4	358,5	3,4		3,4		10			35
	Жами:		4010,4	447,2	1526,1	18,8		18,8	200,0	26,0		8,0	660,0
	Янгидан бошланадиган лойиҳалар												
5	"ВШ-9" коллекторлар тизимини таъмирлаш-тиклаш	Гулистон	492,1	30,4	442,6	30,4		30,4		9			150
6	"10-К-2" коллекторлар тизимини таъмирлаш-тиклаш	Оқолтин	1121,3	63,0	1014,8	63,0		63,0		13			190

№	Лойиҳалар номи	Хизмат кўрсатадиган туман номи	Лойиҳанинг умумий курсаткичлари		Шу жумладан 2016 йил кўрсаткичлари								Мелиоратив ҳолати барқарорлиги таъминландиган майдон, га
					лоийҳанинг дастлабки лимити, (млн.сўм)	таъмирландиган (тозаландиган) ва тикландиган							
						коллектор-дренаж тармоқлари узунлиги, км			Ёпиқ-ётик дренаж тармоқлар узунлиги (км)	иншоотлар сони, дона			
						жами	туманлараро	хўжаликлараро		кувурли ўтиш жойлари	мелиоратив насос станциялар (агрегат)	Вертикал дренаж кудулари	
7	"ГПК-60а" коллекторлар тизимини таъмирлаш-тиклаш	Сайхунобод	1025,3	25,2	950,2	25,2		25,2		6			140
8	"ГПК-56" коллекторлар тизимини таъмирлаш-тиклаш	Сайхунобод	675,3	35,1	615,7	35,1		35,1		8			120
9	Мелиоратив насос агрегатларини тамирлаш	Вилоят бўйича	272,2	8 дона	255,2						8		280
10	Ёпиқ ётик дренаж тармоқларини таъмирлаш ва тиклаш	Вилоят бўйича	2078,5	400,0	1952,2				400				520
11	"П-2" коллекторлар тизимини таъмирлаш-тиклаш	Боёвут	1123,0	70,4	1022,5	70,4		70		13			250
12	"К-1" коллекторлар тизимини таъмирлаш-тиклаш	Боёвут	825,0	55,0	825,0	55,0		55		16			230
13	"ВКБ-14" коллекторлар тизимини таъмирлаш-тиклаш	Гулистон	1029,9	50,0	938,3	50,5		51		17			220
14	"ВКБ-10" коллекторлар тизимини таъмирлаш-тиклаш	Гулистон	1125,0	75,0	1125,0	75,0		75		15			240
15	"ВС-13-33" коллекторлар тизимини таъмирлаш-тиклаш	Мирзаобод	600,0	40,0	600,0	40,0		40		16			195
16	"ЦҚ-4а" коллекторлар тизимини таъмирлаш-тиклаш	Мирзаобод	850,0	67,0	850,0	67,0		67		11			200
17	"ЦҚ-7-9" коллекторлар тизимини таъмирлаш-тиклаш	Околтин	1800,0	100,0	1800,0	70,0		70		10			320
18	"ЦҚ-7С" коллекторлар тизимини таъмирлаш-тиклаш	Сардоба	1800,0	100,0	1800,0	70,0		70		10			320
19	"Овражный" коллекторлар тизимини таъмирлаш-тиклаш	Сайхунобод	1397,5	70,0	1283,2	69,8		70		13			220

№	Лойиҳалар номи	Хизмат кўрсатадиган туман номи	Лойиҳанинг умумий курсаткичлари		Шу жумладан 2016 йил кўрсаткичлари								Мелиоратив ҳолати барқарорлиги таъминландиган майдон, га
					таъмирландиган (тозаландиган) ва тикландиган								
					коллектор-дренаж тармоқлари узунлиги, км			Ўпик-ётик дренаж тармоқлар узунлиги (км)	иншоотлар сони, дона				
					жами	туманлараро	хўжаликлараро		кувурли ўтиш жойлари	мелиоратив насос станциялар (агрегат)	Вертикал дренаж кудулари		
20	"ГПК-9" коллекторлар тизимини таъмирлаш-тиклаш	Сайхунобод	1000,0	77,0	1000,0	76,9		77		11,0			210,0
21	"ВЖД-3" коллекторлар тизимини таъмирлаш-тиклаш	Сирдарё	1400,0	125,0	1400,0	100,0		100		19			360
22	"Ўнг тармоқ" коллекторлар тизимини таъмирлаш-тиклаш	Ховос	1297,2	71,0	1188,1	71,2		71		12			195
23	"ДК-9" коллекторлар тизимини таъмирлаш-тиклаш	Ховос	780,0	52,0	780,0	52,0		52		10			270
	Жами:		20692,4	1106,1	19842,8	1021,5		1021,5	400	209	8		4630
	Келаси йил лойиҳаларига				43,1								
	<i>шу жумладан:</i>												
24	Мелиоратив тик кудуқларни тамирлаш	Вилоят бўйича											
	Кредитор қарздорлик				1388,0								
	Ҳаммаси:		24702,8	1553,3	22800,0	1040,3		1040,3	600	235	8	8	5290

**2016 йилда Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини
яхшилаш жамғармаси ҳисобидан "Ўзмелиомашлизинг" ДЛК
орқали лизинг асосида ҳарид қилинадиган мелиоратив техника,
машина ва механизмлар**

№	Мелиоратив техника, машина ва механизмлар	Мелиоратив техника, машина ва механизмлар сони
1	Гидравлик экскаватор	5
2	Бульдозер	2
3	Автотрейлер	1
4	Автосамосвал	2
5	Ёпиқ-ётиқ дренаж ювиш агрегати	1
	Жами:	11

**2016 йилда давлат бюджети маблағлари ҳисобидан
Сирдарё вилоятидаги ирригация объектларида бажариладиган
қурилиш ва реконструкция ишлари бўйича кўрсаткичлар**

№	Объектлар номи ва манзили	Бирлиги	Қуввати	ҳажми (млн.сўм)	
				Капитал қўйилма	Қурилиш монтаж ишлари
	йилдан йилга ўтувчи				
1	Сардоба туманидаги суғориш тармоқларини реконструкция қилиш	лоток, км	2,99	1 000,0	939,6
		канал, км	7,32		
2	Хавос туманидаги М-3 каналини қуриш	канал, км	10,1	1 200,0	1 010,0
		ГТИ, дона.	1		
3	Хавос ва Олтинкўл туманидаги лоток тармоқларини реконструкция қилиш	канал, км лоток, км	12,5 0,5	1 000,0	850,0
4	Сардоба туманидаги лоток тармоқларини реконструкция қилиш	лоток, км	6,0	1 659,2	1 639,1
5	Гулистон шаҳридаги ёпиқ коллекторни реконструкция қилиш	коллектор,км	2,9	376,9	339,4
6	Гулистон шаҳридаги дюкерни реконструкция қилиш	ГТИ, дона.	1,0	376,9	339,4
	янгидан бошланувчи				
7	Хавос ва Сардоба туманидаги лоток тармоқларини реконструкция қилиш	лоток, км	4,7	1 615,0	1 372,8
8	Боёвут туманидаги "К-1-246" суғориш лотокларини қуриш	лоток, км	2,0	570,0	484,5
9	Гулистон шаҳридаги "К-3" каналини реконструкция қилиш	канал, км	10,0	6 072,5	5 161,6
10	Боёвут ва Мирзаобод туманидаги "К-1" каналини реконструкция қилиш	канал, км	21,0	1 200,0	1 020,0
11	Боёвут туманидаги "К-1-2" каналини реконструкция қилиш	канал, км	1,6	332,5	282,6
12	Боёвут туманидаги "К-1-4" каналини реконструкция қилиш	канал, км	1,5	332,5	282,6
13	Гулистон шаҳридаги "Дўстлик" каналини реконструкция қилиш (3-этап)	канал, км	0,345	1 330,0	1 130,5
14	Гулистон шаҳридаги "Дўустолик" каналини назорат йўли ва ободонлаштириш ишлари			2 210,5	1 878,9
	Жами:			19 276,0	16 731,0